

Англия мусулмонлари муҳтожларга ёрдам бермоқда



19:10 / 19.05.2021 2008

Рамазон ойи тугаганига қарамай, дунё мусулмонлари яхшилик қилишга интилишмоқда. Шимолий Англиянинг Галифакс шаҳрида мусулмонлар жамоаси муҳтожларга бепул озиқ-овқат етказиб бериш учун маҳсулотларни сифатли сақлаш мақсадида музлатгич очишди. Бу ҳақда islam.ru манбаси хабар берди.

Жамия марказий масжидининг кўнгиллилари музлатгич ўрнатдилар. Ушбу музлатгичдан одамлар керакли овқатни олишлари мумкин бўлади.

"Бу одамлар учун қутқарув воситаси", дейди ташаббусни бошлаган Ҳасан Риёз. Музлатгич ҳафтада етти кун ишлайди.

Ушбу ташаббусни жисмоний шахслар ва корхоналар, супермаркетлар, Ҳолли Линч парламент аъзолари ва ҳатто камбағалларга озиқ-овқат сотиб олиш учун йиғилган чўнтак пулларини берган мактаб ўқувчилари кенг қўллаб-қувватламоқдалар.

Таржимон: Мубина Баҳодиржон қизи